


“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалда



“Ҳокимлик боғи” ташкил этиш учун 20 гектар ер майдони ажратилиб, ҳозирда ҳудуд бўйлаб ободонлаштириш, дарахт экиладиган жойлар учун ҳандақлар қазиш, суғориш тизимларини ўрнатиш каби ишлар олиб борилмоқда.

Туман ҳокими ҳар бир ҳудудга бириктирилган мутасаддиларга ободонлаштириш ва дарахт экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича вазифаларни белгилаб берди.